

ҚЎЙ ВА ҚЎЗИЛАРПА ПАСТЕРЕЛЛЭЗ ВА ДИПЛОКОККОЗ КАСАЛЛИКЛАРИ

Қўйчилик чорвачиликнинг асосий тармоқларидан бири саналади. Бу соҳада ҳам салмоқли фойда олиш мумкин. Бунинг учун қўйларда учрайдиган юқумли касалликлар- ни имкон қадар бартараф этиш талаб этилади. Асосан қўйларда пастереллэз, диплококкоз каби касалликлар уч- раса, қўйчилик ривожланишига жиддий таъсир кўрсатади.

Агар бу касалликларнинг олдини олишда ўз вақтида зарурий тадбирлар амалга оширилмаса, хўжалик катта иқтисодий зарардан қочиб қутила олмайди. Ветеринария хизмати тизимида биологик ва биокимёвий препарат- ларнинг етишмаслиги муаммони янада чуқурлаштириб, юқумли касалликлар кенг тарқалишига сабаб бўлади.

Қўй ва қўзилар орасида пастереллэз ва диплококкоз касалликларини даволаш ва уларга қарши кураш тадбирлари учун катта маблағ сарфланади. Ушбу касалликлар кечиши, клиник белгилари, даволаш ва олдини олиш масалаларини ўрганиш бўйича К.П. Чепуров, А.В.Черкасова, М.И. Григорян (1966), М.А. Махматқулов, А.А. Абдусатторов (1999), М.А. Махматқулов Ж.М. Пармонов (2000), Б.А. Элмуродов С.Х.Абдалимов (2004, 2007), Ф.И. Ибадуллаев, Б.А. Элмуродов (2007) каби олимлар иш олиб борган.

Юқорида тақидланган муаммолардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Ветеринария илмий-тадқиқот институти “Ёш моллар касалликларини ўрганиш лабораторияси”да қўзилар пастереллэз ва диплококкоз касалликларининг олдини олиш мақсадида маҳаллий диплококк ва пастерелла штаммлари культура л аридан фойдаланиб, пастереллэз ва диплококкозга қарши поливалент экспе- риментал ГОА формол вакцина ишлаб чиқилди. Тайёр- ланган вакцинанинг сифат кўрсаткичлари лаборатория шароитида текширилди.

Стериллигини аниқлаш учун вакцина наму- наси ГПБ, ГПА, 5% қон зардобли ГПБ, 5% қон зардобли ГПА, Сусло агари, Китт-Тароцци озуқа муҳитларига экилди. Экилган озуқа муҳитлари 37° С ва 28° С да термостатда 10 кун давомида сақланди. Вакцина намуналари экилган озуқа муҳитлари стерил эканлиги қайд қилинди.

Зарарсизлигини аниқлаш учун вакцина 10 бош оқ сичқонларнинг териси остига 0,5 мл дан ва 4 бош қўзи териси остига 3 мл дан инъ- екция қилинди. Вакцина инъекция қилинган ҳайвонлар 10 кун давомида кузатилди. Кузатиш муддати давомида вакцина инъекция қилинган ҳайвонлар тирик ва уларда ҳеч қандай салбий ўзгаришлар йўқ эканлиги аниқланди.

Шундан сўнг ушбу экспериментал вакцина қўйларга икки марта: биринчи марта 2 мл, иккинчи марта 3 мл, 14 кун оралиқ билан тери остига эмланди. Эмлангандан сўнг 6 ой ўтгач пастереллэз ва диплококкоз кўзгатувчиларининг ЛД₁₀₀ (25 млрд м. т.)

миқдори билан зарарлантирилди (1-жадвал).

1- жад вал.

Қўйлар пастереллэз ва диплококкозига қарши поливалент ГОА формол вакцинанинг са- марадорлигини ўрганиш натижалари.

Гуруҳ- лар номи	Хай- вон- лар сони (бош)	Эмлаш дозаси		Эм- лаш усу- ли	Ҳайвон - ларни зарар- лаш муд- дати	Зарарлан- тириш		На- тижа
		1 мар- та	2 мар- та			Миц- дори	Усули	
Таж- риба	4	2мл	3мл	Тери ости	Эмла- ган- дан (6 ой) сўнг	• 25 млрд м.т	Қорин буш- лиги	Тирик қолди
Назорат	4				6 ойдан сўнг	25 млрд м.т	Қорин буш- лиги	4 бош ўлди

Иккинчи гуруҳ назорат ҳисобланиб, уларга пастереллэз ва диплококкозга қарши экспериментал вакцина қўлланилмади. Улар ҳам пастереллэз ва диплококкоз кўзгатувчиларининг ЛД₁₀₀ (25 млрд м. т) миқдори билан зарарлантирилди.

Вакцина билан эмлангандан сўнг 30. 60. 90. 180 кун- лар тажрибадаги қўйлар қон зардобидида диплококкларга қарши махсус антителолар динамикасини ўрганиш учун қон олиниб антителолар титри аниқланди (2-жадвал).

2- жад вал.

Эмланган қўйлар қон зардобидида диплококклар- га қарши антителолар титри динамикаси

Т.Р	Қўйлар инв.№	Таж- риба- гача	Кунлар (вакцинациядан кейин)							
			5 кун	15 кун	30 кун	60 кун	90 кун	120 кун	150 кун	180кун
1.	0088107	1:320	1:320	1:400	1:440	1:880	1:1200	1:1600	1:800	1:400
2.	0088199	1:340	1:340	1:400	1:400	1:800	1:1600	1:1600	1:600	1:600
3.	0088228	1:160	1:240	1:400	1:800	1:1200	1:1600	1:1600	1:800	1:600
4.	Рақамсиз	1:320	1:400	1:600	1:600	1:800	1:1200	1:1600	1:1200	1:800
	М	1:285	1:325	1:450	1:560	1:900	1:1400	1:1600	1:850	1:600
5.	0990	1:20	1:20	1:20	1:20	1:20	1:20	1:20	1:20	1:20
6.	Рақамсиз	1:20	1:20	1:20	1:20	1:20	1:20	1:20	1:20	1:20
7.	0088219	1:30	1:30	1:30	1:30	1:30	1:30	1:30	1:30	1:30
8.	0088226	1:20	1:20	1:20	1:20	1:20	1:20	1:20	1:20	1:20
	М	1:22,5	1:22,5	1:22,5	1:22,5	1:22,5	1:22,5	1:22,5	1:22,5	1:22,5

ВЕТЕРИНАРИЯ ТИББИЁТИ:ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАР

Қўйлар пастереллэз ва диплококкозга қарши экспериментал ГОА формол вакцинанинг 6 ойлик иммуногенлик хусусиятларини лаборатория шароитида ўрганиш бўйича тадқиқотлар натижасида қўйлар қон зардобиди диплококкларга қарши махсус антителолар титри 30 кунликда 1:400 дан 1:800 ва ўртача 1:560 даражани, 90 кунликда ўртача 1:1400 даражани ва 180 кунликда 1:600 даражани ташкил этди. Ушбу қўй қон зардобларида параллел равишда пастереллаларга қарши шакланган антителолар титри ҳам текширилди (3-жадвал).

Юқорида таъкидланган касалликларга қарши экспериментал поли-валент ГОА формол вакцинанинг 6 ойлик иммуногенлик хусусиятларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар натижасида қўйлар қон зардобиди пастереллаларга қарши махсус антителолар титри 30 кунликда 1:600 дан 1:1200 ва ўртача 1:850 даражани, 60 кунликда ўртача 1:1200, 90 кунликда ўртача 1:1600, 120 кунликда ўртача 1:2800, 150 кунликда ўртача 1:2600 ва 180 кунликда 1:900 даражани ташкил этди. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, пастереллаларга қарши махсус антителолар титри, диплококкларга қараганда анча юқори эканлиги аниқланди.

3- жадвал.

Эмланган қўйлар қон зардобиди пастереллаларга қарши антителолар титри динамикаси

ТР	Қўйлар нв.Но	Тажриба гача	Кунлар (вакцинациядан кейин)								
			5кун	15кун	30 кун	60 кун	90 кун	120 кун	150 кун	180 кун	
1.	0088107	1:360	1:360	1:400	1:800	1:1200	1:1600	1:2400	1:3200	1:1600	
2.	0088199	1:240	1:240	1:360	1:600	1:800	1:1600	1:3200	1:1600	1:1200	
3.	0088228	1:400	1:400	1:600	1:1200	1:1200	1:2400	1:3200	1:2400	1:600	
4.	Рақамсиз	1:360	1:360	1:400	1:800	1:1200	1:1600	1:2400	1:3200	1:3200	
	М	1:285	1:325	1:440	1:850	1:1100	1:1800	1:2800	1:2600	1:900	
5.	0990	1:40	1:40	1:40	1:40	1:40	1:40	1:40	1:40	1:40	
6.	Рақамсиз	1:40	1:40	1:40	1:40	1:40	1:40	1:40	1:40	1:40	
7.	0088219	1:40	1:40	1:40	1:40	1:40	1:40	1:40	1:40	1:40	
8	0088226	1:50	1:50	1:50	1:50	1:50	1:50	1:50	1:50	1:50	

Тадқиқотларимиз давомида эмланган қўйларнинг қон кўрсаткичлари текшириб борилди. Текширишлар натижасида эмланган қўйлар қониди лейкоцитлар, эритроцитлар ва лейкоформуланинг физиологик меъёр даражасида бўлиши қайд этилди (4-жадвал).

4- жадвал.

Пастереллэз ва диплококкозга қарши поливалент ГОА ли формол вакцина билан эмланган қўйларнинг гематологик кўрсаткичлари

Текшириш вақти	Эритроцит- (млн/ мкл)	Лейкоцитлар (минг/ мкл)	Лейкоформула					
			Э	БМ	Л	Нейтрофиллар		
						Таёқча ядро-ли	Бўғим ядро-ли	
Эмланган гача	9.14	8.72	7,0	0,6	3,2	43,8	4,8	40,6
5 кун	9,15	9,96	8,0	0,4	3,2	48,0	4,6	35,8
15 кун	9,14	9,96	6,8	0,4	3,0	49,0	4,2	36,6
30 кун	9,20	10,24	6,6	0,6	3,6	43,8	4,2	40,8
60 кун	9,74	10,56	6,4	0,4	3,6	45,0	4,6	39,0
90 кун	9,62	9,96	7,6	0,6	3,8	43,4	4,2	40,4
120 кун	9,40	10,2	8,6	0,4	3,4	45,4	4,2	38,0
150 кун	9,96	3,04	7,8	0,6	4,0	44,6	4,2	38,8
180 кун	9,96	9,72	7,4	0,4	3,6	42,8	4,4	41,4

Ўтказилган тадқиқотлар давомида касаллик кўзгатувчилари юктирилгандан сунг 10 кун кузатиш даврида тажрибадаги қўйларнинг умумий аҳволи меъёр даражасида, уларда салбий ўзгаришлар кузатилмади.

Шундай қилиб, тадқиқотлар натижасида қўй ва қўйларнинг пастереллэз ва диплококкоз касалликларига қарши поливалент вакцинанинг иммуноген самарадорлиги 6 ойлик давомида юқори эканлиги аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. П Чепуров. Диплококковые заболевания сельскохозяйственных животных, Благовещенск, 1954.
2. Чепуров К.П., Черкасова А.В. Диплококковые и стрептококковые заболевания животных. Киев - 1963.- 160 с.
3. Элмуродов Б.А., Ибодуллаев Ф.И., Махматкулов М. Қўйлар экспериментал диплококкозида кузатилган патоморфологик ўзгаришлар. И ЎЗР Мустақиллигининг 10 йиллиги ва ЎзВИТИ нинг 75 йиллигига бағишланган халқаро илмий конф, маърузалар матнининг тўплами. Самарканд 2001 . 97-98 бет.
4. Элмуродов Б.А., Парманов Ж.М., Махматкулов М. Қоракўл қўйларида пастереллэзнинг кечиши ва эпизоотологиясининг ўзига хос хусусиятлари. "Ветеринария" журнали Тошкент- 1999. № 3. 33 бет.
5. Абдалимов С.Х., Элмуродов Б.А. Қўй ва қўйлар диплококкози // Ҳайвонлар ва паррандаларнинг ута хав- фли касалликлари тарқалиши ва олдини олиш мониторинги. Конф, маърузалар матни тўплами. Самарканд 2006 25-26 бет.
6. Абдалимов С.Х., Элмуродов Б.А. Диплококкоз.// "Зооветеринария" журнали нишона сони 2007. 18-бет.